



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2019 йил декабрь

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН:
МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ,
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Абдухакимжон Зиёйтдинович Шарипов

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

abduhakim-83@mail.ru

Аннотация

Мақолада Республикаизда миллий ғоянинг ижтимоий тараққиёт дастурига мувофиқ бўлиши назарий асосланади ҳамда унинг йўналишлари ва вазифалари, асосий тамойиллари тўғрисида таклифлар берилади. Ўзбекистонда янгича маънавий маконни барпо этишга замонавий ёндашувлар асосида ислохотлар самарадорлигини таъминлайдиган миллий ғояни ривожлантириш зарурлиги қайд этилади.

Калит сўзлар: ижтимоий тараққиёт, миллий ғоя, ҳаракатлар стратегияси, миллий ғояни ривожлантириш.

**ОБНОВЛЯЕМЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ, ЕЕ
НАПРАВЛЕНИЯ И ТЕНДЕНЦИИ**

Абдухакимжон Зиёйтдинович Шарипов

кандидат философских наук, доцент

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

abduhakim-83@mail.ru

Аннотация

В статье приведено теоритическое обоснование соответствия национальной идеи программе социального развития в нашей республике, выдвигаются предложения о ее направлениях и задачах, основных принципах. На основе современных подходов к созданию новой духовной среды, отмечается необходимость развития национальной идеи, обеспечивающей эффективность реформ.

Ключевые слова: социальное развитие, национальная идея, Стратегия действий, развитие национальной идеи.

**RENEWED UZBEKISTAN: THE NECESSITY FOR
DEVELOPMENT OF THE NATIONAL IDEA, ITS DIRECTIONS AND**

TENDENCIES

Abdukhakimjon Zyoitdinovich Sharipov

Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor

Bukhara State University

Bukhara, Uzbekistan

abduhakim-83@mail.ru

Annotation.

The article provides a theoretical justification for the conformity of the national idea to the social development program in our country. Proposals are made on its directions and tasks, basic principles. On the basis of modern approaches to creating a new spiritual environment, the need for developing the national idea that ensures the effectiveness of reforms is noted.

Keywords: social development, national idea, Action Strategy, development of the national idea.

XXI аср бошларига келиб миллий тараққиётда ўзига хос янги тенденциялар вужудга келди. Мустақилликка эришгандан сўнг кўп миллатли халқимиз ўз танлаган тараққиёт йўлидан илдам қадам ташламоқда.

Айниқса ўтган қиска давр мобайнида миллий-маънавий тикланиш борасида амалга оширилган ишлар салмоғи юксалиб, бу йўналишда катта ютуқлар қўлга киритилганигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Аммо бугунги шароитда глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари халқимиз айниқса, ёшларимиз онги ва қалбини миллатимизнинг ўзига хослиги ва менталитетимизга ёт ғояларни сингдиришда катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига рахна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир” [3;27].

Маълумки, инсоният тарихида рўй берган кўплаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар ғоя ва мафкуралар таъсирида содир бўлган. Тараққиёт жараённида эса хилма-хил ғоя ва мафкуралар шаклланган. Шу боис ҳар бир жамият,

давлат ва тарихий даврга хос ғоялар тизими вужудга келган. Бу эса мамлакатимизни янада ривожлантириш ва тараққиётга эришишида ўзига хос ғоялар тизими шаклланиши ва такомиллашуви тарихий зарурат эканини англатади [5;234].

Тараққиёт жараёнида баъзи ғоялар эскиради, янгилари вужудга келади, айримлари унутилади ёки сақланиб қолади. Шундай экан ғоя ва мафкура тизимларининг намоён бўлиш мезонлари ва асосий йўналишлари нималарга қараб аникланади, уларнинг инкор этилиши, ўзгариши, янгиланиши нималарга боғлиқ, деган саволлар юзага келади. Бунга жавоб беришда кўпчилик мутахассислар ижтимоий тараққиёт мезонига асосланадилар. Демак, жамият ривожи жараёнида ҳаёт талабига жавоб бериш имкониятини йўқотган тузумлар, даврлар ва уларнинг ғоялари ҳамда мафкура тизимлари ўз ўрнини бошқасига бўшатиб бориши тарихий қонуниятдир.

Бундан ташқари, ғоялар тизими ўзгаришида тараққиётнинг асосий йўналишларини ҳисобга олиш лозим. Жамият ривожининг ҳар бир янги босқичига хос ғоялар тизими, умуман илгаригисидан мазмунан бойроқдир. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкура тизими ижтимоий-иктисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, одамларни улуғвор ишларга сафарбар этади.

Халқнинг туб манфаатлари ва орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари етаклайдиган, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган бунёдкор ғоявий тизимнинг шаклланмаганлиги кўп ҳолларда ижтимоий бекарорлик ва парокандаликка олиб келади.

XX асрнинг охири XXI аср бошлари мустақилликка эришган мамлакатларнинг аксариятида халқаро тажрибалар асосида ўз жамиятининг барча соҳаларини янгилашнинг самарали йўлларини излаш, бу борада ўзига хос тараққиёт дастурларини амалга ошириш даври сифатида тарихга кирди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан яратилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] ва у асосида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва

жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш дастури кенг кўламли ислоҳотларни жадал ҳамда шиддат билан амалга оширишнинг изчил ва самарали йўли сифатида намоён бўлмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бу соҳада рўй берган ўзгаришлар ғоялар тизимини ҳам ижтимоий тараққиёт қонунига мувофиқ янгилашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизнинг янада ривожлантиришга асосланадиган янги ғоялар тизими давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада юксалтириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишга йўналтирилган ўзгаришлар билан боғлиқ масалаларни чукур ўрганишни талаб қиласди.

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, демократик мулоқот маданиятини қарор топтириш, тинч ва осойишта ҳаётни асрар ва мустаҳкамлаш, миллий ғурур ва ифтихорни юксалтириш, умуммиллий бирлик ва ҳамжиҳатлик, эл-юртнинг дарду ташвишлари билан яшаш, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, юксак фазилатларни тараннум этиш, ҳаётда асл инсоний фазилатларни қарор топтириш йўлида курашиш ана шу соҳадаги фаолиятнинг маъно-мазмунини белгилайди. Бу эса фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, уларда ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, жаҳолатга карши маърифат билан курашиш, замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнининг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онги ва қалбига сингдириш ҳамда бундан кўзда тутилаётган ўзгаришларни амалга

ошириш учун барчамиз масъулмиз. Бу эса ушбу соҳадаги мақсадларга эришиш учун фаоллигимизни янада ошириш, таълим-тарбия ва тарғиботнинг замонавий усул ҳамда имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланиш зарурлигини англаатади.

Миллий ғоянинг ривожланиши маълум бир тарихий тараққиёт босқичида миллат олдида турган вазифаларни ҳал қилишга йўналганлиги билан характерланади [7;94]. Шу маънода миллий ғоянинг ривожланиши миллат эҳтиёжларининг инъикоси сифатида тараққиёт босқичларида юзага келадиган вазифаларнинг мазмуни ва кўламига қараб ўзгариб, такомиллашиб боради.

Яъни, у миллий тараққиётнинг истиқболини таъминлашда ўзида қайси йўналишларни қамраб олиши, уларнинг ҳар бири қайси вазифаларни ўзида мужассамлаштиришини аниқ белгилаш зарур бўлади.

Бунда таъкидлаганимиздек, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодиётни янада юксалтириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш каби йўналишларни қамраб олади.

Уларнинг ҳар бирини таҳлил қиласиган бўлсак, миллий ғояни ривожлантиришнинг накадар кўп вазифаларни ўзига қамраб олишини кўрамиз.

Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш йўналиши. Бу борада демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш учун Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш вазифалари устувор ҳисобланади.

Фикримизча, демократияга баҳо берганда, унинг умумэътироф этилган мезонларидан келиб чиқиши тўғри бўлади. Улар содда қилиб айтганда

куйидагилардан иборат: аҳолининг мамлакатда қабул қилинаётган қонунлардан қай даражада хабардорлиги; халқнинг қонунлар қабул қилишда бевосита ёки билвосита иштирок қилиши; қонунлар ижроси устидан халқ назоратининг таъминланганлиги; ҳар бир фуқаро мамлакат ҳаёти билан боғлиқ ўзини қизиқтирган барча маълумотларни олиш имкониятининг таъминланганлигидир.

Мамлакатимиз Президенти белгилаб берган стратегик вазифа ана шу умумисоний демократик қадриятлар тизимиға кириб боришимизни ўзида тўла ифода этади. Шу маънода бугун миллий ғояни ривожлантиришда демократик қадриятларни қарор топтириш вазифалари ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилиш жараёнлари умумэътироф этилган мезонлар талабига мослиги ҳамда миллатимизнинг ўзига хос менталитети, урф-одат, анъана ва қадриятлари мужассам бўлишига асосий эътибор қаратилиши керак.

Миллий ғояни ривожлантиришда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва умумхалқ фаоллигини таъминлаш амалий аҳамиятга эга. Худди ана шу омилларни таъминлаш орқали бугун жаҳонда амал қилинаётган умумисоний демократик қадриятлар тизимиға кириб боришимиз, янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантиришимиз мумкин. Шунда “**Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак**” деган принципни амалиётга тўла-тўқис жорий қилиш осон кечади. Натижада миллий ғоянинг ҳалқ иродаси сифатидаги мақомини ошади. Бу жараёндаги асосий муаммо сиёсий партиялар, демократик институтлар ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан “Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш фойдадан холи бўлмайди” [3;555], деб берилган вазифа ҳам айнан шунга қаратилгандир Уларни фаоллаштиришда миллий ғояни

ривожлантириш назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини ошириш, бу тизимни демократлаштириш ҳамда такомиллаштириш, инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қонунчиликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, мамлакатда қонунийликни янада мустаҳкамлаш, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини юксалтириш долзарб вазифалардан саналади.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида демократия, гуманизм, тинчлик, барқарорлик, қонун устуворлиги ҳамда инсон эркинликлари каби гоя ва қадриятлар умуминсоний аҳамиятга эга.

Хусусан, ҳар қандай демократик тизим негизида – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-хуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислоҳотларнинг таъсирини кўрамиз.

Демак, қонун устуворлиги тамойили, кенг маънода, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга, жамият янгиланишига, инсон шахсининг юксалишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз қонунларини инсон ҳукуқлари соҳасидаги умуминсоний меъёр ва андозаларга мувофиқлаштириш, бу соҳада миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши, инсон ҳукуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳукуқларига оид халқаро шартномалар ва хужжатларга қўшилишда давом этиб, улар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг самарали механизми яратилмоқда.

Бугунги кунда ана шу тамойиллар асосида мамлакатимизда юксак талабчанлик билан олиб борилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари замирида

фуқароларимиз хуқуки, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини муносиб ҳимоя этишдек инсонпарвар ғоя мужассамлиги яхши маълум.

Шунингдек, бу борадаги стратегик ислоҳотлар бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, ваколатларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш билан бирга, суд-хуқуқ тизимини янада либераллаштириш, унинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда уни *инсон+фуқаро+хуқуқ+эркинликларини* ишончли ҳимоя этишга хизмат қиласиган том маънодаги институтга айлантириш имконини янада орттироқда. Айни пайтда бу, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш ҳамда аҳолининг барча қатламлари манфаатларини акс эттирадиган фуқаролик институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг самарали фаолият юритиши, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидланганидек: “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат” [4;244]дир.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши. Демак, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига

рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш, унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш вазифаларини бажариш муҳимдир.

Демак, бу ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштириш билан бирга аҳоли унинг самарасини реал ҳаётда сезиши даражасини оширишни ўз ичига олади.

Ислоҳотни амалга оширишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, кам меҳнат сарфлаб кўпроқ даромад олиш, мавжуд ресурсларни тежаш, улардан ўз ўрнида фойдаланишга эришиш руҳиятини шакллантириш ҳамда уни амалиётга айлантириш зарурдир.

Ҳар бир фуқаронинг фидойилиги унинг моддий ва маънавий юксалишининг асоси эканлигини омма онгига сингдириш, лоқайдликка барҳам бериш, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашни тарбиявий йўналишда устувор даражага кўтариш иқтисодий таракқиётнинг асосий қонуниятидир. Ислоҳотни амалга оширишни янги поғонага кўтариш учун зарур бўлган ишбилармонлик муҳитини шакллантиришнинг имкониятларини излаб топиш миллий ғояни ривожлантиришнинг бу йўналишидаги долзарб вазифаларидан хисобланади. Чунки унинг қандай натижага беришига қараб, қолган барча йўналишдаги вазифаларнинг самарадорлиги белгиланади.

Шунинг учун ҳам иқтисодиётда инновацион ёндошув ва креатив тафаккурни ривожлантириш аҳамиятлидир. Иқтисодий муносабатларнинг маърифатлашган тафаккури шакли: а) моддий бойлик ортиришда қонунларни четлаб ўтиш эмас, балки унга қатъиян амал қилишга асосланиш; б) мазкур

тамойилнинг ҳамма учун мажбуриятлигини эътироф этиш ҳамда унга амал қилиниши; в) қариндош-уруғчилик, аждодлардан мерос бўлиб қолган қадриятларнинг барбод бўлишига олиб келадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик; г) манманлик, қўлга киритилган бойликдан мағурланиш, уни пеш қилиш, ўзгаларга беписандлик билан қараш ва бошқа шунга ўхшаган салбий қарашдан холи бўлиш; д) моддий бойликка эришишда ҳалоллик, иймонли бўлиши, бироннинг хақига хиёнат қиласлик, эътиқодли бўлиши, одамлар, жамоа ва дўст-биродарлар ўртасида ўзаро ҳурмат туйғуларининг мустаҳкам бўлиши кабиларни ўзига қамраб олади [6;18].

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш вазифаларидан таркиб топади ҳамда ислоҳотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга қўмаклашишdir.

Миллий тараққиёт ва юксак маънавиятта эга бўлган интеллектуал салоҳият ўз ўрнида миллатнинг жаҳон демократик қадриятлари тизимидан мустаҳкам ўрин олишида етакчилик ролини ўйнайди. Жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан аёнки, тараққиётнинг асосий омили интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга эришганлиги билан боғлиқ. Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва уни сифат жихатидан янги босқичга кўтариш, ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, “**Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун**” деган тамойилни амалга ошириш миллий ғояни ривожлантиришда асосий вазифага айланиши зарур.

Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша мураккаб муаммолари мавжуд. Аммо ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг мураккаблиги алоҳида ажралиб туради. У ҳар доим давлат томонидан қўллаб-қувватланишга, соҳага ажратиладиган маблағ ва бериладиган эътиборга муҳтож бўлиб қолаверади. Уларнинг биринчиси иккинчиси билан боғлиқ бўлади ва уйғун ҳолатда олиб борилган шароитда ўзининг самарасини беради. Бу ишларни изчил давом эттиришда “**Инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони**” принципи муҳим вазифадир.

Юртимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш йўналиши. Мамлакатлар қайси даражада тараққий қилмасин, унга нисбатан ташқи ва ички хавф-хатар ҳамиша мавжуддир. Ташқаридаги хавф-хатар ўзга мамлакатлар томонидан мавжуд моддий бойликларга кўз тикиш, ресурсларни қўлга киритишга интилиш, ўз товар маҳсулотлари билан бозорни эгаллаш ҳамда бошқа бир қатор ҳатти-ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Ички хавф ҳам ўз улушки, кучи, қуввати билан ташқи хавфдан кам эмас. Унинг юзага келиши нафақат мамлакатларнинг демократик қадриятларга ўтиш даври шунингдек, мамлакатда турли миллатлар, динларга эътиқод қилувчилар, ижтимоий гурухларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг эҳтиёжларини ҳар доим ҳам тўла қондиришнинг имкониятлари чекланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Демак, энг аввало миллий ғояни ривожлантиришда умуммиллий бирликни вужудга келтирувчи мақсад ва манфаатлар муштараклиги ўз ифодасини топиши зарур.

Мамлакат истиқболи учун “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини татбиқ этиш, оддий ва очиқ инсоний мулокотни йўлга қўйиш, минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш, оқилона муроса ва ўзаро тенг алмашинув тамойилларини қарор топтириш миллий ғояни ривожлантиришда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бу йўналишдаги кейинги долзарб вазифаларимиздан бири юртимиздаги миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўпмиллатли ҳамда кўпконфесияли жамиятимизни янада бирлаштириш, ҳамкорлик, хурмат, бирдамлик муҳитини мустахкамлаш, диний бағрикенглик, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш халқимиз онги, қалбини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш хисобланади. Бунда **“Жаҳолат ва зўравонликка қарши маърифат билан курашамиз”** деган ғоя ва ташабbus асосий тамойилларидан биридир.

Миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш, миллий тарбияни янги босқичга қўтариш муҳим функциялардан яна биридир. Чунончи, **“Жамиятимизда диний конфесиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз, деб биламиз”** [4;142].

Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашнинг тараққиётимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон мамлакатлари тараққиёти тажрибаларидан маълумки, ҳали биронта мамлакат бошқа мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилмасдан ривожланмаган.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Биз ташқи сиёsat соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёsatини изчил давом эттирамиз”** [4;144].

Ҳозирги даврдаги глобал муаммоларни чуқурроқ таҳлил қилиш, моддий ва маънавий неъматлар яратилиши мутаносиблигига эришиш, маънавий муҳит соғлигини таъминлаш билан боғлиқ ғояларнинг ўрни ва аҳамиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш зарур.

Миллий ғоянинг ривожи, тафаккуримиздаги ўзгаришлар мамлакатимиз тараққиётига хисси қўшувчи кучдир. Шу боис, жаҳон тараққиётида Ўзбекистоннинг ўрни, унинг ривожида **“Харакатлар стратегияси”**нинг

аҳамияти, мамлакатимизда янги ғоялар тизимишинг вужудга келишидаги ўзгаришлар, ҳаётни эркинлаштириш, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларини илмий тадқиқот даражасида ўрганиш зарур.

Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган “**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**” [2] устувор ғояси биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий ғоянинг таъсирчанлигини юксалтириш, бу жараён самарадорлигини оширадиган имкониятларни топиш устувор вазифалардан саналади. Ана шундай имкониятлардан бири “**Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси**”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишдир.

Бу концепциянинг мухимлиги “...**олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур**” деган вазифада намоён бўлиб, ғоя ва мафкуралар турли-туманлиги ҳамда улар ўртасида зиддиятлар кучаяётган бир шароитда у миллатни нафақат бирлаштиради, шунингдек ўз келажаги учун фидойи бўлиш масъулиятини хам шакллантиради. Бу ғоянинг амалий томони шундаки, у миллатни ўтмиш ва бугун билан эмас, балки эртанги кун истиқболи учун масъул бўлишини англашига ғоявий асосдир. Албатта, уни мамлакатимиз ва халқимизнинг ҳаракат дастурига айлантириш орқалигина глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаётган салбий таъсирига қарши тура оладиган кучга айлантириш мумкин. Демак унинг моҳияти ва мақсадларини ўзида мужассамлаштирган тизимиши ишлаб чиқиш зарур.

“Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – замонавий Ўзбекистоннинг миллий ғояси”нинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча катламлари онги ва қалбига сингдириш ушбу жараённинг таркибий қисмидир. Бу эса мазкур соҳадаги вазифаларни амалга ошириш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль // <http://lex.uz/docs/3107036>
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутки.
31.08.2019/<https://president.uz/uz/lists/view/2846>
- 3.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. - 592 б.
- 4.Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. - 508 б.
- 5.Назаров Қ.Н. Фоялар фалсафаси. – Тошкент: Akademiya, 2011. – 331 б.
- 6.Очилдиев А.Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2004. – 94 б.
- 7.Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 204 б.

МУНДАРИЖА

Инновацион гоялар ва ишланмалар

- А.Р.ХОДЖАБОЕВ.** Касбий таълимда замонавий инновацияларнинг мазмунни ва моҳияти 1-10

Иқтисод

- B.B.SABIROV.** Methodological base of tourism competitiveness on the development of tourist destination: evidences of Uzbekistan 1-14
М.Н.РАХМЕДОВА. Механизм привлечения еврооблигаций как инструмента заимствования 15-22
Н.Б.ХОЛМАТОВ. Ўзбекистонда саноат салоҳиятини оширишнинг институционал шарт-шароитлари 23-35
С.С.МАКСУДОВА. Роль информационных технологий в развитии национальной экономики 36-45
И.И.МЕЛИЕВ, Б.М.ДАГАРОВ. Аудит услугияти: муаммо ва ечимлар. 46-59

Техника

- Х.А.ПРИМОВА., Д.М.НОРМУРОДОВ.** Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ногиронлиги бўлган шахсларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўуллари 1-8
Ю.Д.НОРОВ, О.Э.ТОШЕВ. Физико-химическое воздействие растворов поверхностно-активных веществ на горный массив для понижения его прочностных характеристик 9-18

Юридик

- Д.Э.КАРИМОВА.** Вопросы уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной регламентации взаимодействия следователя, дознавателя с подразделениями уголовного розыска в досудебном производстве 1-11
М.Ж.ХОЖАБЕКОВ. Права и привилегии лиц с инвалидностью при трудоустройстве 12-21
И.Ҳ.АТАМИРЗАЕВ. Янгианаётган жамиятда шахснинг хукуқий ижтимоийлашувига таъсир этувчи омиллар 22-31
Т.Р.КУЧКАРОВ. Ўзбекистон қонунчилигига мажбурий жамоат ишлари жазоси жорий этилишининг ижтимоий зарурати 2-41

Тарих

Ш.И.ИКРОМОВ. Ўзбекистондаги ижтимоий-смёсий жараёнларнинг Мисрдаги "Ал-ахрам" ва "Ал-Хаят" газеталарида ёритилиши (2016-2019- йиллар)	1-11
А.Ш.ШАРИПОВ. Марказий Осиё мамлакатларининг Туркия муносабатлари бўйича адабиётлари таҳлили.....	12-20
Э.А.КАБУЛОВ, Ш.Ш.ХАСАНОВ. Бухоро амирлиги даврида сурхон вадасининг боғдорчлик тарихидан.....	21-28

Фалсафа

А.Қ.САЛОХОВ. Абдурауф Фиррат маънавий меросида ёшлар толерантлигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.....	1-9
А.З.ШАРИПОВ. Янгиланаётган Ўзбекистон: мислив гояни ривожлантириш зарурати, йўналишлари ва тенденциялари.....	10-23

Филология

А.Х.ЖЎРАЕВ. Гид-таржимонларнинг профессионал фаолигига дискурс компетенция ва унинг шакллари.....	1-10
О.Р.АВАЗНАЗАРОВ. Яссавий ва Бокирғоний ҳивматларида союй образининг талқинлари.....	11-20
Д.А.СУЛАЙМОНОВА. К вопросу о формировании лексической компетенции студентов технических вузов.....	21-29
П.Б.ТАШХОДЖАЕВА, З.Ш.АКРАМОВА, Ш.Ф.ШОРАҲИМОВ. Тиббиёт олигоҳлари талабаларига инглиз тилини ўқитишда ролни ўйинларнинг аҳамияти.....	30-38
Н.И.АБДУЛЛАЕВА. Жаҳон адабиётида талаба образининг ўрни ва унинг ўзига хос ҳусусиятлари.....	39-47
М.Э.ГУРСУНОВА. Инглиз тилида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ва таржимада ифодаланиши.....	48-57

Ўзбекистон Мислив ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2019 йил, декабрь сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй